



ВАССАЛ ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ ТУЗУМИ (УШБУ МАҚОЛА “ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ ГЕНЕЗИСИ, ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” (“FL-9524115130”) ФУНДАМЕНТАЛ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА БАЖАРИЛДИ)

Абдуманноп Туляганов

Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти
директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20963933>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 25-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 27-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Хива хонлиги, вассаллик,
Гандимиён шартномаси,
Россия империяси,
протекторат, сиёсий тузум,
хон ҳокимияти, Туркистон
генерал-губернаторлиги,
Амударё бўлими, девон,
меҳтар, қўшбеги, қозикалон,
шариат ҳуқуқи, одат ҳуқуқи,
мустамлакачилик,
суверенитет, ички
автономия.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Мазкур параграфда 1873 йилги Гандимиён шартномасидан кейин Хива хонлигининг сиёсий-ҳуқуқий мақомида юз берган ўзгаришлар тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Унда Хива хонлигининг Россия империясига вассал-протекторат шаклида боғланиши, хон ҳокимиятининг ташқи кўринишида сақланиб қолгани, бироқ унинг суверен ваколатлари жиддий чеклангани асослаб берилган. Хонликда анъанавий бошқарув институтлари — хон, девон, меҳтар, қўшбеги, қозикалон, беклар ва маҳаллий ҳокимлар тизими сақланган бўлса-да, ташқи сиёсат, ҳарбий ҳаракатлар, савдо йўллари, рус фуқароларининг ҳуқуқий мақоми ва стратегик ҳудудлар Россия империяси назоратига ўтгани кўрсатилган. Шунингдек, параграфда Амударё бўлими, Туркистон генерал-губернаторлиги таъсири, суд-ҳуқуқий иккилик, шариат ва одат ҳуқуқининг сақланиши ҳамда империявий ҳуқуқий режимнинг кириб келиши ёритилган. Тадқиқот натижасида Хива хонлигининг 1873–1917 йиллардаги сиёсий тузуми мустақил давлатчилик ва тўлиқ мустамлака ўртасидаги оралиқ, яъни чекланган ички автономияга эга вассал монархия сифатида баҳоланади.

1873 йилги Россия ҳарбий юришидан кейин Хива хонлигининг сиёсий-ҳуқуқий мақоми тубдан ўзгарди. Агар 1873 йилга қадар хонлик ташқи сиёсат юритиш, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо муносабатларини мустақил белгилаш имкониятига эга бўлган бўлса, Гандимиён шартномасидан кейин бу ваколатлар Россия империяси назоратига ўтди. 1873 йил 12/24 августда Хива яқинидаги Гандимиён боғида Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ва Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон II ўртасида тузилган шартнома хонликнинг Россияга вассал тарзда

боғланишини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирди¹. Шартноманинг биринчи моддасида хон ўзини Россия императори олдида “покорным слугой” деб тан олиши, қўшни ҳукмдорлар билан мустақил алоқа ўрнатмаслиги ва рус ҳокимиятининг рухсатисиз ҳарбий ҳаракат қилмаслиги белгиланган эди.

Мазкур шартнома Хива хонлигини тўлиқ равишда Россия таркибига қўшиб юбормаган, балки уни ташқи жиҳатдан қарам, ички жиҳатдан эса чекланган автономияга эга бўлган вассал-протекторат давлатга айлантирган. Бу ҳолатни “икки қатламли сиёсий тузум” сифатида баҳолаш мумкин: биринчи қатламда хонликнинг анъанавий монархик бошқаруви сақланиб қолган; иккинчи қатламда эса Россия империяси назорати ва Туркистон генерал-губернаторлиги орқали амалга ошириладиган ташқи-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ҳамда суд-юрисдикциявий чекловлар қарор топган. Катта Россия энциклопедиясида ҳам Гандимиён сулҳи 1873–1917 йилларда Россия империяси ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатларни тартибга солган шартнома сифатида кўрсатилиб, у хоннинг вассал қарамлигини ва ташқи алоқалардан воз кечишини назарда тутгани таъкидланади².

Вассалликнинг биринчи асосий белгиси — Хива хонлигининг ташқи сиёсий субъектлигини йўқотишида намоён бўлди. Хон энди Бухоро, Эрон, Афғонистон, Туркия ёки бошқа давлатлар билан мустақил дипломатик муносабат юрита олмас, савдо ёки ҳарбий битимлар тузиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Шартномада хоннинг қўшни ҳукмдорлар билан ҳар қандай тўғридан-тўғри муносабатдан воз кечиши ва ҳарбий ҳаракатлар фақат Россия ҳокимияти рухсати билан амалга оширилиши қайд этилди³. Бу эса хонликнинг халқаро ҳуқуқий мақомини мустақил давлат даражасидан Россия империяси таъсиридаги вассал сиёсий бирлик даражасига туширди.

Иккинчи белгиси — худудий чекланиш ва чегара назорати билан боғлиқ эди. Шартномага кўра, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар хонликдан ажратилиб, Россия тасарруфига ўтказилди. Бу худудий йўқотиш фақат ер майдонининг қисқариши эмас, балки хонликнинг стратегик назорат нуқталаридан маҳрум бўлиши, Амударё бўйидаги савдо, ҳарбий ва маъмурий ҳаракатлар устидан Россия таъсирининг кучайишини англатар эди⁴. Шу билан бирга, Россия кемаларига Амударёда эркин ва алоҳида сузиш ҳуқуқи, рус савдогарларига эса хонлик худудида имтиёзли савдо қилиш имконияти берилди.

Шу билан бирга, Хива хонлигида ички сиёсий тузумнинг асосий унсурлари сақланиб қолди. Хон давлат бошлиғи сифатида тахтда қолдирилди, сарой, девон, юқори амалдорлар, қозилик тизими, беклик ва маҳаллий бошқарув шакллари ўз фаолиятини давом эттирди. Қўнғиротлар даврида шакланган сиёсий бошқарув тизимида хон олий ҳокимият соҳиби ҳисобланар, унинг ҳузурида маслаҳат функциясига эга кенгаш мавжуд

¹ Договор между Россией и Хивинским ханством. Хива [Гандемиян], 12/24 августа 1873 г. // Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений, заключенных Россией с другими государствами. Т. I. — СПб. 1902. — С. 425–427.

² Арапов Д.Ю. Гендемианский мир 1873 // Большая российская энциклопедия. Электронная версия. — 2017.

³ Договор между Россией и Хивинским ханством. Хива [Гандемиян], 12/24 августа 1873 г. // Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений, заключенных Россией с другими государствами. Т. I. — СПб. 1902. — С. 425–427.

⁴ Договор между Россией и Хивинским ханством. Хива [Гандемиян], 12/24 августа 1873 г. // Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений, заключенных Россией с другими государствами. Т. I. — СПб. 1902. — С. 425–427.

бўлган. Энциклопедия Ираника маълумотида кўра, Қўнғиротлар даврида Хива хонлигида хон якка ҳукмдор сифатида бошқарган, кенгаш эса кўпроқ маслаҳат органи бўлиб, реал бошқарувда ҳал қилувчи органга айланмаган; маъмурий бошқарувда меҳтар, қўшбеги ва девонбеги муҳим ўрин тутган⁵.

Хонликнинг марказий бошқарув тизимида меҳтар, қўшбеги ва девонбеги лавозимлари алоҳида аҳамият касб этган. Меҳтар, одатда, молиявий ва фуқаровий-маъмурий ишлар билан, қўшбеги ҳарбий ва айрим ҳудудий бошқарув масалалари билан, девонбеги эса девон ишлари, закот ва молиявий ҳисоб-китоблар билан боғлиқ вазифаларни бажарган. Бироқ бу лавозимлар ўртасидаги ваколатлар қатъий конституциявий тарзда ажратилмаган; амалда уларнинг таъсири хоннинг шахсий ишончи, сарой ичидаги сиёсий мувозанат, уруғ-қабила элитаси ва Россия маъмурияти билан муносабатларга боғлиқ бўлган. Хива хонлиги марказий ва маҳаллий бошқарувига оид тадқиқотларда Абулғозий ва кейинги Қўнғиротлар даврида меҳтар, қўшбеги, мироб, бий, иноқ, оталиқ каби мансаблар давлат бошқарувида муҳим ўрин тутгани кўрсатилган⁶.

1873 йилдан кейинги сиёсий тузумнинг ўзига хос жиҳати шундаки, хонликда анъанавий монархия ташқи томондан сақланган бўлса-да, унинг қарор қабул қилиш эркинлиги сезиларли даражада чекланган. Ҳуқуқий мақом нуқтаи назаридан хон ҳали ҳам давлат бошлиғи сифатида кўринар, ички бошқарув, солиқ йиғиш, маҳаллий амалдорларни тайинлаш, шариат ва одат ҳуқуқига асосланган суд ишларини юритиш имкониятига эга эди. Бироқ бу ваколатлар Россиянинг умумий сиёсий манфаатларига зид бўлмаслиги шарт эди. Илмий манбаларда 1873 йилги шартнома асосида хонлик ҳукумати устидан назоратни кучайтириш мақсадида махсус девон — кенгаш шакллантирилгани, кейинчалик Амударё бўлими бошлиғи Россия ҳукуматининг Хивадаги амалий вакилига айлангани қайд этилади⁷.

Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан хонлик бекликлар, ноибликлар ва маҳаллий бошқарув бирликларидан иборат эди. Беклар ва ҳокимлар хон номидан ҳудудни бошқарган, солиқ йиғиш, тартибни сақлаш, ирригация ишларини ташкил этиш ва маҳаллий низоларни бартараф этишда иштирок этган. Хива шаҳри эса марказий сиёсий, маъмурий ва диний-ҳуқуқий марказ сифатида алоҳида мавқега эга бўлган. Энциклопедия Ираника Хивани хонликнинг марказий маъмурияти жойлашган шаҳар сифатида тавсифлайди⁸.

Шу нуқтаи назардан, вассал Хива хонлигининг сиёсий тузумини оддий “мустамлака маъмурияти” ёки “мустақил монархия” деб баҳолаш тўғри эмас. У мустамлакачилик даврига хос оралиқ модел — ташқи жиҳатдан Россия империясига қарам, ички жиҳатдан эса анъанавий бошқарув институтлари сақланган протекторат-монархия эди. Россия империяси Хивани тўлиқ маъмурий бирликка айлантириш ўрнига, хонлик шаклини сақлаб қолиш орқали икки мақсадга эришди: биринчидан, маҳаллий аҳоли олдида анъанавий легитимликни сақлаб қолди; иккинчидан, хон ва унинг

⁵ Sartori P., Bregel Y. Khiva // Encyclopaedia Iranica. Vol. XVI, Fasc. 5. — Published December 14, 2020.

⁶ Худойқулов Т.Д. Хива хонлиги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида мансаб ва унвонларнинг ўрни // История и культура Центральной Азии. — 2023.

⁷ Allaberganov A.S. Legal issues in the Khiva khanate in the period of Russian conquest // Мировая наука. — 2020. — № 9(42).

⁸ Sartori P., Bregel Y. Khiva // Encyclopaedia Iranica. Vol. XVI, Fasc. 5. — Published December 14, 2020.

амалдорлари орқали худудни камроқ харажат билан назорат қилиш имкониятига эга бўлди.

Вассал Хива хонлигининг сиёсий тузумида энг муҳим жиҳатлардан бири шунда эдики, хонлик ташқи кўринишда ўз давлатчилигини сақлаб қолган бўлса-да, унинг сиёсий иродаси мустақил ҳуқуқий манба сифатида эмас, балки Россия империяси манфаатларига мослаштирилган чекланган ҳокимият шаклида амал қила бошлади⁹. Бу ҳолат хон ҳокимиятининг икки томонлама табиатини юзага келтирди: маҳаллий аҳоли олдида хон анъанавий исломий-монархик ҳокимият соҳиби сифатида намоён бўлар, Россия маъмурияти олдида эса у империяга бўйсунувчи вассал ҳукмдор сифатида ҳаракат қилар эди¹⁰. Гандимиён шартномасидан кейин Хива хонининг ташқи сиёсий ваколатлари бекор қилингани, рус ҳокимияти рухсатсиз қўшни давлатлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳарбий ҳаракат қилиш имконияти чеклангани хонлик суверенитетининг асосий белгиларини йўқотганини кўрсатади¹¹.

Шунингдек, вассаллик фақат ташқи сиёсатда эмас, ички бошқарувнинг муҳим йўналишларида ҳам намоён бўлди. Формал жиҳатдан хон давлат бошлиғи, олий маъмурий ва суд ҳокимияти соҳиби бўлиб қолган бўлса-да, 1873 йилги босқиндан кейин унинг сиёсий қарорлари Россия Туркистон генерал-губернаторлиги назорати ва манфаатларидан мустақил амал қила олмас эди. Илмий манбаларда К.П. фон Кауфман Хива ишғоли даврида хонлик маъмуриятида бевосита иштирок этгани, Муҳаммад Раҳимхон пойтахтга қайтишига рухсат берилган бўлса-да, энди у тўла суверен ҳукмдор ҳисобланмагани қайд этилади. Шу даврда Кауфман томонидан етти аъзодан иборат девон ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига уч нафар рус офицери, Тошкентлик савдогар ва уч нафар Хива амалдори, жумладан янги девонбеги киритилган. Мазкур девонга кенгроқ маъмурий ваколатлар берилган ва у Кауфманнинг Хива хонлигини назорат қилишдаги асосий бошқарув воситасига айланган. Шунингдек, манбада девоннинг етти аъзосидан тўрт нафари генерал-губернатор томонидан бевосита тайинлангани, қолган уч нафар маҳаллий аъзо ҳам шу ҳокимият томонидан тасдиқлангани кўрсатилган¹². Бу ҳолат Хива хонлигида сиёсий қарор қабул қилиш жараёни мустақил эмас, балки Россия империясининг маъмурий-назорат механизми таъсири остида амал қилганини англатади¹³.

Россия империяси Хивада тўғридан-тўғри генерал-губернаторлик маъмуриятини жорий этмасдан, мавжуд хонлик тузумини сақлаб қолиш йўлини танлади. Бу сиёсат тасодифий эмас эди. Хонликнинг ички анъанавий бошқарувини сақлаб қолиш Россия учун бир неча жиҳатдан қулай бўлган. Биринчидан, маҳаллий аҳолининг диний ва сиёсий онгида хон ҳокимияти ҳали ҳам легитим ҳокимият сифатида қабул қилинар эди. Иккинчидан, Россия Хоразм худудини тўлиқ маъмурий жиҳатдан бошқариш учун катта ҳарбий, молиявий ва кадрлар ресурсларини сарфлашни истамади. Учинчидан, хонликни вассал шаклда сақлаш Россияга ички ресурслар, савдо йўллари ва стратегик

⁹ Гендемианский мирный договор между Россией и Хивой, 12 августа 1873 г. // Исторический факультет МГУ.

¹⁰ Арапов Д.Ю. Гендемианский мир 1873 // Большая российская энциклопедия. Электронная версия. — 2017.

¹¹ Гендемианский мирный договор между Россией и Хивой, 12 августа 1873 г. // Исторический факультет МГУ.

¹² Ullah A., Bodla A.R. Russian Conquest of Central Asia: A Case Study of Khiva // International Journal of Research — Granthaalayah. — 2019. — Vol. 7. — Issue 10. — P. 255–262. DOI: 10.29121/granthaalayah.v7.i10.2019.394.

¹³ Becker S. Russia's Protectorate in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1924. — London: Routledge Curzon, 2004. — P. 73–75.

худудлардан фойдаланиш имконини берди. Энциклопедия Ираникада ҳам Россия империясининг Хивага нисбатан муносабати икки маъноли бўлгани, бир томондан ярим мустақил хонликни сақлаш хавфли кўрингани, иккинчи томондан эса бу ҳолат империяга худудни бевосита бошқариш харажатларисиз ички ресурсларга кириш имконини бергани таъкидланади.

Хива хонлигида марказий бошқарувнинг асосий таянчи хон саройи ва унга боғлиқ юқори мансабдорлар тизими бўлиб қолди. Хон қонун чиқариш, маъмурий бошқарув ва олий судлов ваколатларини ўзида мужассамлаштирган мутлақ монарх сифатида намоён бўларди. Бироқ мутлақликнинг бу шакли назарий ва анъанавий моҳият касб этган бўлиб, 1873 йилдан кейин у ташқи сиёсий ва империявий чекловлар билан мувозанатлаштирилди. Қўшбеги, меҳтар ва девонбеги каби юқори амалдорлар давлат молияси, солиқ йиғими, худудий бошқарув ва сарой ишларида муҳим ўрин тутган. Манбаларда қўшбеги хонликнинг жанубий қисмида, меҳтар эса асосан молиявий ишлар ва шимолий худудларда таъсир кучига эга бўлгани, бироқ уларнинг ваколатлари қатъий ажратилмагани қайд этилади.

Демак, вассал Хива хонлигининг сиёсий тузumi Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос “билвосита бошқарув” усулини ифода этди. Империя хонликни бевосита губернияга айлантормади, лекин унинг сиёсий иродасини, ташқи алоқаларини, иқтисодий имкониятларини ва суд-ҳуқуқий ваколатларини назорат остига олди. Хонликнинг сақлаб қолинган институтлари эса мустақил давлатчилик белгиси эмас, балки империя манфаатларига хизмат қилувчи маҳаллий бошқарув воситасига айланди. Бу ҳолат Хива хонлигининг XIX аср охири — XX аср бошларидаги сиёсий тузумини тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан мураккаб, икки қатламли ва қарам давлатчилик модели сифатида баҳолаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, 1873 йилдан кейин Хива хонлигининг сиёсий тузumi “чекланган ички автономияга эга вассал монархия” сифатида шаклланди. Хонликда хон, девон, меҳтар, қўшбеги, қозикалон, беклар ва маҳаллий бошқарув институтлари сақланган бўлса-да, ташқи сиёсат, ҳарбий ҳаракатлар, стратегик худудлар, савдо йўллари, рус фуқаролари ҳуқуқий мақоми ва умумий сиёсий йўналиш Россия империяси назорати остига ўтди. Шу боис вассал Хива хонлигининг сиёсий тузumi тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан икки хусусият билан тавсифланади: биринчиси — анъанавий шарқона монархик бошқарувнинг сақланиши; иккинчиси — Россия протекторати орқали суверен ваколатларнинг чекланиши. Айнан шу иккилик Хива хонлигининг Чор Россияси мустамлакачилик тизимидаги ўзига хос мақомини белгилаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Договор между Россией и Хивинским ханством. Хива [Гандемиян], 12/24 августа 1873 г. // Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений, заключенных Россией с другими государствами. Т. I. — СПб., 1902. — С. 425–427.
2. Арапов Д.Ю. Гендемианский мир 1873 // Большая российская энциклопедия. Электронная версия. — 2017.
3. Sartori P., Bregel Y. Khiva // Encyclopaedia Iranica. Vol. XVI, Fasc. 5. — Published December 14, 2020.
4. Худойкулов Т.Д. Хива хонлиги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида мансаб ва унвонларнинг ўрни // История и культура Центральной Азии. — 2023.

5. Allaberganov A.S. Legal issues in the Khiva khanate in the period of Russian conquest // *Мировая наука*. — 2020. — № 9(42).
6. Sartori P., Bregel Y. Khiva // *Encyclopaedia Iranica*. Vol. XVI, Fasc. 5. — Published December 14, 2020.
7. Гендемианский мирный договор между Россией и Хивой, 12 августа 1873 г. // Исторический факультет МГУ.
8. Арапов Д.Ю. Гендемианский мир 1873 // *Большая российская энциклопедия*. Электронная версия. — 2017.
9. Ullah A., Bodla A.R. Russian Conquest of Central Asia: A Case Study of Khiva // *International Journal of Research — Granthaalayah*. — 2019. — Vol. 7. — Issue 10. — P. 255–262. DOI: 10.29121/granthaalayah.v7.i10.2019.394.
10. Becker S. *Russia's Protectorate in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1924*. — London: Routledge Curzon, 2004. — P. 73–75.

